

УЎТ: 631.86:631.619:631.82

## ОЗИҚ МОДДАЛАРНИ ЎСИМЛИК ТОМОНИДАН ЎЗЛАШТИРИШИГА МИНЕРАЛ ВА ОРГАНИК ЎҒИТЛАР ҲАМДА ФОСФОГИПСНИНГ ТАЪСИРИ

Имамов Фозилжон Зокиржонович.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етишиши агротехнологиялари  
илемий-тадқиқот институти таянч докторанти

e-mail: [foziljon.imamov@mail.ru](mailto:foziljon.imamov@mail.ru)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Сурхондарё вилоятининг суғориладиган тақир ўтлоқи тупроқлари шароитида ғўза ўсимлиги томонидан озиқ моддаларни (*NPK*) ўзлаштириш коэффициентига минерал ва органик ўғитлар ҳамда фосфогипсни таъсири баён этилган.

**Калит сўзлар.** Тақир ўтлоқи тупроқлар, минерал ўғит, органик ўғит, фосфогипс, ўсимлик, ўзлаштириш коэффициенти.

**Тадқиқот услублари.** Дала тажрибаси 12 вариантдан иборат бўлиб, барча варианtlар 4 та қайтариқ 48 та пайкал ва 2 ярусада жойлаштирилди: 1) Ўғит қўлланилмаган (Назорат). 2)  $N_{250}P_{175}K_{125}$  3) 30 т/га гўнг. 4) 2 т/га ФГ. 5) 4 т/га ФГ. 6) 30 т/га гўнг+2 т/га ФГ. 7) 30 т/га гўнг+4 т/га ФГ. 8)  $N_{250}P_{175}K_{125} +30$  т/га гўнг. 9)  $N_{250}P_{175}K_{125} +30$  т/га гўнг+2 т/га ФГ. 10)  $N_{250}P_{175}K_{125} +30$  т/га гўнг+4 т/га ФГ. 11)  $N_{250}P_{175}K_{125} +2$  т/га ФГ. 12)  $N_{250}P_{175}K_{125} +4$  т/га ФГ. Тажрибаларни ўтказиш, фенологик кузатувлар, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш ва таҳлил қилиш “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в полевых хлопковых районах” (1963) асосида, ЎзПИТИнинг (1981) услубий қўлланмасига мувофиқ амалга оширилди [1]. Шунингдек тадқиқотлар ва кимёвий анализлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Тошкент, 2007) [2], “Агрохимические методы исследования почв, растений и удобрений” [3] методикаларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари.** Озиқ моддаларнинг тупроқдаги миқдори кўпайиши билан ўсимликлар учун қулай шароит яратилиб азот, фосфор ва калийни ўзлаштирилиши ҳам ортиб борди, бунинг натижаси ўсимликнинг ўсиб ривожланишида, ҳосил тўплашида намоён бўлади. Айниқса фосфогипс, гўнг ва минерал ўғитлар биргалиқда қўлланилиши уларни ўзи алоҳида қўлланилган варианtlарга нисбатан анча сезиларли таъсир кўрсатди ва ушбу вариантда ўсимликнинг барча вегетатив органларида ҳамда пахта ҳосилидаги





ялпи азот, фосфор ва калий миқдори нисбатан ортганилиги кузатилди. Суғориладиган тақир ўтлоқи тупроқлар шароитида фосфогипс ва гүнгни минерал ўғитлар фонида қўллаш натижасида тупроқда мақбул мелиоратив ҳолат ва озиқланиш режими яратилди. Бундай шароитда ўстирилган ғўза қулай тартибда озиқланиб, бақувват пояли, кўп баргли бўлиб, бу вегетатив ҳамда генератив органларида озиқ элементларнинг юқори даражада бўлишини таъминлади.

Фосфогипс, гўнг ва минерал ўғитларни қўллаш ғўзанинг азотдан бирмунча самарали фойдаланишини таъминлади. Бинобарин, ўғитсиз-назорат варианта 10 центнер пахта ҳосили билан 50,8 кг азот олиб чиқилган бўлса, 30 т/га ярим чириган қорамол гўнги қўлланилган варианта 49,2 кг азот олиб чиқилганлиги ҳисобга олинди. 30 т/га ярим чириган қорамол гўнги билан биргалиқда 2 ва 4 т/га меъёрида ФГ қўлланилган (6;7) вариантларда 10 центнер пахта ҳосили билан 45,0 ва 44,7 кг азот олиб чиқилган бўлса, органик ва минерал ўғитлар фонида 2 ва 4 т/га ФГ қўлланилган (9;10) вариантларда ҳам юқоридаги сингари озиқ моддалар олиб чиқилишини ошиб бориш тенденцияси кузатилди ва ушбу вариантларда 10 центнер пахта ҳосили билан тегишлича 57,6 ва 56,1 кг азот олиб чиқилиши маълум бўлди. Тадқиқотларимизда минерал ўғитларни ўзи алоҳида қўлланилган  $N_{250}P_{175}K_{125}$  варианта 1 гектар майдондан ўсимлик томонидан ўзлаштирилган азот миқдори 164,83 кг, 30 т/га гўнг қўлланилган (3) варианта 108,41 кг, 30 т/га гўнг+2 ва 4 т/га фосфогипс қўлланилган (6-7) вариантларда 118,60 ва 121,82 кг, минерал ўғитлар фонида 30 т/га гўнг+2 ва 4 т/га фосфогипс қўлланилган (9 ва 10) вариантларда эса мос равишда 207,66 ва 216,76 кг ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичларда азотни ўзлаштириш коэффициенти  $N_{250}P_{175}K_{125}$ -фон вариантида 39,9% бўлган бўлса, бу кўрсаткич минерал ўғитлар фонида 30 т/га гўнг+2 ва 4 т/га фосфогипс қўлланилган (9;10) вариантларда минерал ўғитдан азотни ўзлаштириш коэффициенти мос равишда 39,7 ва 43,3% ни, қўлланилган органик ўғит-гўнг таркибидан эса 29,7 ва 36,1% ни ташкил этди.

Фосфогипс, гўнг ва минерал ўғитлар қўлланилганда ғўза баргларида умумий фосфор кўп миқдорда тўпланиши аниқланди. Ўғит қўлланилмаган назорат вариантида 1 гектар майдондан ўзлаштирилган фосфор 39,26 кг,  $N_{250}P_{175}K_{125}$  – фон вариантида 93,91 кг, органик ва минерал ўғитлар биргалиқда қўлланилган (8) варианта 119,29 кг, минерал ўғитлар фонида 30 т/га гўнг+2 ва 4 т/га фосфогипс қўлланилган (9-10) вариантларда мос равишда 126,72 ва 131,77 кг бўлиб, 10 ц пахта ҳосили учун сарфланган фосфор эса юқоридаги вариантларга мос равишда 30,7; 33,4; 35,7; 35,1 ва 34,1 кг/га ни



ташкил этди Фосфорни ғўза ўсимлиги томонидан ўзлаштириш коэффициенти  $N_{250}P_{175}K_{125}$ -фон вариантида 31,2% га тенг бўлган бўлса, ушбу кўрсаткичлар органик ва минерал ўғитлар биргаликда қўлланилган (8) вариантда минерал ўғитдан 31,0% ни, органик ўғитдан 30,2% ни ташкил этди. Минерал ўғитлар фонида 30 т/га гўнг+2 ва 4 т/га фосфогипс қўлланилган (9-10) вариантларда эса мос равишда 35,2 – 38,1 ва 39,1 – 45,1% бўлиши кузатилди. Шундай қилиб, тажрибада қўлланилган органик ва минерал ўғитлар таъсирида органик фосфор синтези кучайди, натижада ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши мақбуллашди.

Ғўза органларидаги калий миқдори тажриба вариантларида турлича эканлиги вегетация охирида ўтказилган таҳлилларда аниқланди. Ушбу даврда энг кўп миқдордаги калий ғўза барглари ва чаноқларида тўпланганлиги қайд этилди. Бинобарин, ўғитсиз-назорат вариантда 10 центнер пахта ҳосили билан 56,9 кг калий олиб чиқилган бўлса, минерал ва органик ўғитлар қўлланилган (2-3) вариантларда бу кўрсаткич мос равишда 57,2 ва 71,8 кг ни ташкил этди. Бунда 1 гектар майдондан умумий биомасса билан мос равишда 72,78; 160,93 ва 158,32 кг/га калий ўзлаштирилди. Фосфогипсни 2 ва 4 т/га меъёрда ярим чириган қорамол гўнги билан биргаликда қўлланилган (6-7) вариантларда 10 центнер пахта ҳосили билан мос равишда 64,7 ва 64,0 кг калий олиб чиқсанлиги кузатилди. Минерал ўғитлар фонида фосфогипс (2 ва 4 т/га меъёрда) ва ярим чириган қорамол гўнги биргаликда қўлланилган (9-10) вариантларда ҳам худди шундай тенденция кузатилиб 10 ц/га пахта ҳосили билан мос равишда 71,6-69,0 кг калий 1 гектар ердан ўзлаштирилган калий миқдори 258,42-266,64 кг ни ташкил этиб, ўзлаштириш коэффициенти мос равишда минерал ўғитдан 80,1 ва 86,7% ни, органик ўғитдан 59,1 ва 64,1% ни ташкил этди.

**Хулоса.** Сугориладиган тақир ўтлоқи тупроқлар шароитида минерал ўғитлар фонида 30 т/га қорамол гўнги ҳамда фосфогипсни 2 ва 4 т/га меъёрларда қўллаш тупроқнинг агрофизик, агрокимёвий ва микробиологик хоссаларига ижобий таъсир кўрсатиб, ўсимлик томонидан озиқ моддаларни ўзлаштириш коэффициенти ва самарадорлигини ишонарли оширади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. Ташкент. СоюзНИХИ. 1963. С. 439.



- 
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари – Тошкент. 2007. 145 б.
  3. Спирина В.З., Соловьева Т.П. Агрохимические методы исследования почв, растений и удобрений. Т.: Томского государственного университета. 2014. С. 347.

